

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2022 йил «3» август

Рўйхатга олиш рақами 81/5

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг биринчи
ўринбосари

имзо ва муҳр

Б.Э.Захидов

«ОРИЕНТ ФИНАНС»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
У С Т А В И Г А
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Акциядорлар умумий йиғилишининг
2022 йил «24» июндаги
1/2022 -сонли баённома-қарори

Кузатув кенгаши Раиси:

имзо ва муҳр

Б.Б.Парпиев

ТАШКЕНТ-2022 йил

**Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 31 мартдаги 1/2020-сонли
баённома-қарори билан тасдиқланган «Ориент Финанс» хусусий
акциядорлик тижорат банкининг (янги таҳрирдаги) Уставига
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Банк Уставининг 1.2- бандидаги *“ва Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги* сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Банк Уставининг 6.5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.5. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 800 000 000 000 (саккиз юз миллиард) сўмлик, умумий сони 640 000 000 (олти юз қирқ миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.”

3. Банк Уставининг 13.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13.3. Акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий йиғилишида Банк Кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва фойда ва зарарларини тақсимлаш, Банк Бошқаруви ва Кенгашининг Банкнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.”

4. Банк Уставининг 13.5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш Банк Кенгаши қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, шунингдек Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан ўтказилади. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.”

5. Банк Уставининг 13.6-банди 9-кичик банди чиқариб ташлансин;

6. Банк Уставининг 13.6-банди 12-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“12) Банк Кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгаши ҳисоботларини эшитиш;”

7. Банк Уставининг 13.7-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13.7. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, ёзма равишда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш ҳамда Банк Кенгашига унинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар (уларни Умумий йиғилиш

ўтказилгунгача алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклифлар киритишга ҳақли.”

8. Банк Уставининг 13.12-банди 6-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“- Банк Кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;”

9. Банк Уставининг 14.3- банди 18-кичик банди чиқариб ташлансин;

10. Банк Уставининг 14.4- бандидаги “*бир йил*” сўзлари “*3 (уч) йил*” сўзларига ўзгартирилсин;

11. Банк Уставининг 14.8-бандидаги “*Тафтиш комиссияси*” сўзлари чиқариб ташлансин;

12. Банк Уставининг 15.4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“**15.4.** Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари Банк Кенгаши томонидан тайинланади. Банк Кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши имконияти берилган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажаришга уларнинг номзодлари Марказий банк билан келишиб олингандан сўнг киришишлари мумкин.”

13. Банк Уставининг 15.5-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“**15.5.** Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома 3 (уч) йил муддатга тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш масаласи ҳар йили тегишли Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.”

14. Банк Уставининг 15.10-бандидаги “*Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзоларига*” сўзлари “*Банк Кенгаши аъзоларига*” сўзларига алмаштирилсин;

15. Банк Уставининг 15.11-банди 12-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“12) ходимлар, жумладан муҳим аҳамиятга эга ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, уларнинг ўзгартирилиши (ротацияси) ва лавозим бўйича кўтарилиш, малакасини ошириш, малакали ходимларни сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилади, ходимлар ва мансабдор шахслар ўз мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидаларини бузганда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;”

16. Банк Уставининг 15.11-банди 21-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“21) Амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши томонидан топширилган бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.”

17. Банк Уставининг 16.3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“**16.3.** Банк молиявий ва назорат ҳисоботларини Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади. Банк қонунчиликка мувофиқ бошқа турдаги ҳисоботларни ҳам тақдим этади.”

18. Банк Уставининг 16.6-банди тўлиқ чиқариб ташлансин.

Бошқарув Раиси

имзо ва муҳр

Т.Ф.Джунайдуллаев